Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 24 MART, SESHANBA, 37 (7498) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ



Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, айниқса, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор ўз натижасини бермоқда. Кўплаб ана шундай корхоналар ишга тушмоқда.

СУРАТДА: оператор Нилуфар Ҳакимжонова.

Янгийўл шаҳрида полипропилен қоплар ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга туширилди. Бу ерда 25 нафар ишчи бир сменада меҳнат қилиб, кунига 8400 дона маҳсулот тайёрламоқда.

Ишлаб чиқарилган қоплар ун ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари корхоналарга пешма-пеш жўнатилмоқда. Янги корхонанинг иш бошлаши илгари Хитойдан келтирилган саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қопларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконини берди.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тошкент вилояти

Президентимиз Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қиладиган Жиззах вилоятида бу борада «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ҚИШЛОҚЛАР ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

— Президентимиз ташаббуси билан аҳолига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш йўлга қўйилгани одамларнинг қишлоққа меҳрини қучайтирди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади, — дейди Пахтакор туманидаги "Самарқанд" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нормуҳаммад Жиянов. — Сўнгги йилларда қишлоғимизда шахсий уй-жойлар қурилиши бир неча баравар кўпайди. Энди қишлоқ одамлари "бошпана бўлса, бас" қабилида эмас, дид билан кўркам уйлар қурмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида белгиланган вазифалар қишлоқларимизнинг замонавий қиёфа касб этишида янги босқич бўлиши шубҳасиз.

Ҳа, бугунги қишлоқ қурилишини бундан 15-20 йил аввалги ҳолат билан қиёслаб бўлмайди. Одамлар энди яшаш учун ҳар томонлама қулай, замонавий қурилиш ашёларидан уй барпо этишга ҳаракат қилаётир. Бу эса архитектура, лойиҳалаш ташкилотлари олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Бу борада Жиззах вилоятида ҳам муайян тажриба тўпланган. Ўтган йили вилоят архитекторлари томонидан Арнасой туманидаги Голиблар посёлкасида 42 коттеждан иборат ёшлар турар-жойининг экспериментал лойиҳаси ишлаб чиқилди.

"Ипотека-банк"нинг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган бу турар-жой қишлоқда ҳаммани қизиқтириши табиий. Ҳовли, томорқа ва зарур хўжалик биноларига эга турар-жой қишлоқ одамларига маъқул тушди.

Арнасой тажрибаси ўзини оқлади. Энди бу лойиҳа бошқа туманларда ҳам амалга ошириладиган бўлди. 106 қишлоқ фуқаролар йиғинига бирлашган 567 аҳоли манзилининг қиёфасини тубдан янгилаш тадбирлари белгиланди. Қурилиш лойиҳаларида қишлоқ инфратизимининг барча жиҳатлари – кўчалар, йўллар, водопровод, газ, электр, суғориш тармоқлари алоҳида эътиборга олинган. Йирик қишлоқлар учун алоҳида режалар ишлаб чиқилмоқда.

— Бу тадбирлар қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш имконини беради, — дейди Жиззах вилояти бош архитектори Яшин Бўронов. — Ҳар бир соҳада, айниқса, қурилишда иш лойиҳадан бошланиши муваффақиятнинг кафолати ҳисобланади. Вилоятда "Қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг бош режалари ҳамда меъморий режа асосида қуриш лойиҳалари билан босқичма-босқич таъминлаш" дастурига кўра, жорий йилда қишлоқларда якка тартибдаги уй-жойлар ва аҳоли пунктлари барпо этиш мўлжалланмоқда. Тоғ қишлоқларининг кўпчилигида турар-жойлар ҳудуднинг сейсмологик активлиги, сел хавфлари ҳисобга олинмай қурилаверган. Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманларида сел йўлларига тушиб қолган уйлар ҳам бор. Баъзи қишлоқ фуқаролар йиғинида 15-17 тагача хонадон яшайдиган майда қишлоқчалар мавжуд. Қишлоқларни бош режа асосида қуриш буларнинг ҳаммасига барҳам беради. Ким уй қурмоқчи бўлса, аввало, меъморларнинг хулосасини олади. Архитектура бўлимлари уй-жой қурувчиларни лойиҳалар, қурилиш материаллари ҳисобга олинган смета ҳужжатлари билан таъминлайди.

Вилоятда замонавий технология асосида ишлайдиган қурилиш корхоналари ташкил этишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан ҳамкорликда маҳаллий хомашёдан пишиқ ғишт, шифер каби қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадбирлари амалга оширилаётир. Ҳар бир туманда цемент, металл, деворбоп материалларни арзон нархда сотиш мақсадида махсус дўконлар очилмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

Кунгинг муҳим воқеалари

○ Наврўз муносабати билан жойларда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, мусиқий дастурлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Ассалом, Наврўз!" деб номланган ана шундай концерт ўтказилди. Унга ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар вакиллари, нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди.

○ Наврўз айёми кунларида Сурхондарё вилоятидан бир гуруҳ нуронийлар мамлакатимиз пойтахти Тошкент ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида бўлиб, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Тарихий обидаларни зиёрат қилдилар.

○ Наврўз байрами кунлари Самарқандда янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш иншоотлари, табиий газ ва тоза ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Жумладан, Ургут туманидаги Жартепа ва Ўрамас қишлоқларида маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари очилди.

○ Термиз шаҳрида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Термиз, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларидан ёш оилалар ўзаро беллашди.

○ Пойтахтимизда 1992-1993 йилларда туғилган болалар ўртасида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган футбол бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" I-кубоги мусобақаси якунланди.

○ Тахтакўпир туманида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган миллий ўйинлар фестивалида ёшлар асрлар оша яшаб келаётган анъаналаримиздан нечоғли хабардор эканликларини намойиш этдилар. Иштирокчилар "чиллак", "бектош", "манглай чертмак", "ланги" каби ўйинларда алоҳида маҳорат кўрсатди.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ЁШ АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан фарғоналик Н.Абдураҳмонов давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётгани, миллий армиямиз ёшларимиз ҳар томонлама камол топадиган тарбия мактабига айланганини таъкидлади.

— Янги ўқув-жанговар дастури асосида бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлган ёш аскарларимиз бугун ота-онаси, дўстлари, командир ва бошлиқлар олдида халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилди, — дейди офицер М.Абдуллаев. — Энди улар бир йил мобайнида ўз йигитлик бурчини ўтайди. Ҳарбий қисмларимизда аскарларнинг сифатли ва самарали хизмат қилиши, яшаши, билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қилган ёш аскарлар сафида сурхондарёлик Хушниджон Насруллаев ҳам бор.

— Бугун мен учун унутилмас кун, — дейди Х.Насруллаев. — Негаки, бугундан эътиборан Куролли Кучларимиз ҳарбийлари сафига қўшилдим. Энди қабул қилган қасамёдимга содиқ ҳолда бор куч-ғайратим ва билимим билан эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида астойдил хизмат қиламан.

Ёш аскарларнинг қасамёд қилишга бағишланган бундай тантанали маросимлар Куролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларида давом этмоқда.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Олис ҳудудларда замонавий алоқа воситалари

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш борасида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясида ҳам кенг кўламли изланишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ ҳудудларида ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш деб номланган лойиҳанинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларида давом этмоқда.

Лойиҳага кўра, 2009-2010 йилларда республика ҳудудида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган телекоммуникация хизматлари билан таъминланмаган инфратузилма объектлари (мактаб, касб-ҳунар коллежи, қишлоқ врачлик пунктлари ва ҳ.к.)ни телефонлаштириш ҳамда қишлоқ ахборот тармоғини замонавий технологиялар асосида реконструкция қилиш ва кенгайтириш кўзда тутилган. Айни вақтда олис ва бориш қийин бўлган аҳоли масканларида симсиз технологиялар асосида телекоммуникация тармоғи қамровини кенгайтиришга эришилади.

Шу йўналишда "Дастлабки техник-иқтисодий асослаш" деб номланган қўшимча лойиҳани тайёрлашга киришилди. "Ўзалоқабоғлаш" маҳсулотлари чекланган жамияти томонидан бажарилаётган бу техникавий ишланма бўйича инвестиция ҳужжатлари ҳам тайёрланмоқда. 2009-2010 йилларда амалга ошириш режаланган ушбу вазифа келгусида қишлоқ ҳудудларида ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришда янги саҳифа очади.

Акбар АЛИЕВ

ҲАЁТБАХШ ТИЗИМ НАЗОРАТИ

"Давсувхўжаликназорат" инспекцияси жамоаси шундай масъулиятли вазифани амалга оширмоқда

Ирригация тизимларини халқ хўжалигининг ҳаётбахш томирларига менгзаш мумкин. Айниқса, аграр соҳада унинг аҳамияти беқиёс. Зеро, ҳаётимиз фаровонлигини таъминловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун обиҳаёт етказиб беришга ушбу тизим хизмат қилади. Осмонўпар чўққиларда кўз очган булоқнинг зилол сувлари чўлга бориб ҳаётбахш этгунга қадар қанча йўл босади. Ёки баҳор ёмғиридан пайдо бўлган сув айни саратон пайтида гўзанинг эҳтиёжини қондиради. Мана шуларни тасаввур этишнинг ўзигина ирригация тизимларининг ҳаётбахш, аҳамияти нақадар беқиёслигини кўрсатади.

Республикамиз ирригация тизимида мингдан ортиқ турли насос станциялари, гидроэлектростанциялар ва гидроузеллар, 20 миллиард кубометрдан кўпроқ сув сиғдириш қобилиятига эга бўлган 50 дан ортиқ сув омборлари, бир неча минг километрдан ортиқ магистрал канал ва коллектор фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг техник ҳолати мустаҳкам ва хавфсиз ҳолда сақланиши, бехатар ишлаши устидан назоратни кучайтириш "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекцияси зиммасига юклатилган. Шунингдек, алоҳида муҳим ва катта сув хўжалиги объектларининг, шу жумладан, вилоятлараро сув чиқариш трактлари ва коллекторларининг техник ҳолати, уларнинг бехатар ишлаши, қайта жиҳозланиши, қурилиш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга оширишни ташкил этиш, назоратни кенгайтириш ҳам инспекция жамоасининг вазифалари сирасига киради.

Президентимизнинг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1999 йилда ташкил этилган "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекцияси фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўздавсувлойиҳа, Ўздавмелиосувлойиҳа институтлари мутахассислари иштирокида комиссия тузилиб, гидротехник иншоотларнинг ҳақиқий аҳволи ўрганиб чиқилди, уларнинг бехатар ишлашини таъминловчи тадбирлар белгиланди.

Инспекция фаолиятини такомиллаштириш мақсадида унинг ҳузурида Эксперт кенгаши ва Диагностика маркази ташкил этилган. Марказ мавжуд замонавий асбоб-ускуналар



билан гидротехник иншоотларнинг техник аҳволи, унда пайдо бўладиган чўкиш, кўтарилиш аломатларини, пойдеворлардаги физикавий ва кимёвий ўзгаришлар, ер қимирлаш кучлари таъсири ва хавфсизлик мезонларига жавоб бера олиш қобилиятини аниқлаш каби диагностика ишларини амалга ошириб, иншоотларнинг бехатар ишлашига баҳо беради.

Олиб борилган диагностика ишларида гидротехник иншоотларнинг бехатар ишлашига таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш вазифаси иншоот эгалари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекэнерго" ДАК, Амударё ҳамда Сирдарё ҳавза бошқармалари ташкилотларига бажариш учун топширилади, бажарилиши назорат қилинади.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 24 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	995,23
1 Англия фунт стерлинги	2193,98
1 Дания кронаси	262,03
1 БАА дирҳами	388,61
1 АҚШ доллари	1427,26
1 Миср фунти	254,64
1 Исландия кронаси	12,66
1 Канада доллари	1157,93
1 Хитой юани	208,87
1 Малайзия рингити	391,67
1 Польша злотийси	427,12
1 СДР	2156,73
1 Туркия лираси	845,53
1 Швейцария франки	1270,37
1 ЕВРО	2006,01
10 Жанубий Корея вони	10,25
10 Япония иенаси	148,01
1 Россия рубли	42,70

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ҲАЁТБАХШ ТИЗИМ НАЗОРАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳар йили баҳор ойларида сел ва тошқин сувларининг хавфи пайдо бўлган пайтларда "Давсувхўжаликназорат" инспекциясининг ходимлари Қишлоқ ва сув хўжалиги, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари ва "Ўзбекэнерго" компанияси ходимлари билан биргаликда сув омборлари, насос станциялари, магистрал канал ва бошқа гидротехник иншоотларнинг хавфсизлигини текшириб, ўтказилиши лозим бўлган тадбирларни белгилайди.

Инспекция иш фаолияти давомида назоратдаги 273 гидротехник иншоотлардан 231 тасида текширув, техник аҳволи диагностикаси, кадастрини тузиш, инженер-геодезик текширувлар, хавфсизлик меъёрларини ишлаб чиқиш каби 392 та диагностика ишларини олиб борди. Жумладан, сув омборлари насос станциялари, магистрал каналлар ва гидроузелларда диагностика ишлари ўтказилди. Шу даврда 53 та гидротехник иншоотнинг хавфсизлик деклорацияси тузилиб, шундан 38 таси "Давсувхўжаликназорат" инспекциясининг Эксперт кенгашида кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Хавфсизлик деклорациясининг 10 дан ортиғи қайта кўриб чиқиш учун иншоот эгаларига қайтарилди.

Президентимиз И.Каримов БМТ Бош ассамблеясининг сессияларида, бир қанча халқаро саммитларда ҳар бир мамлакат трансчегаравий дарё сув захираларидан фойдаланиш, жумладан, гидротехник иншоотларни барпо этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни амалга оширишда ошкоралик тамойиллари ва манфаатдор томонларнинг тўла хабардор этилганига асосланган пухта мустақил техника-вий-иқтисодий ва экологик халқаро экспертизадан ўтказилиши ва унда оқимнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар учун сув миқдорининг камаймаслигига, экологик хавфсизликнинг бузилмаслигига таъсир қилмаслиги назарда тутилиши лозимлиги

тўғрисидаги масалаларни кўйдилар.

"Давсувхўжаликназорат" инспекцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссиясини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани бўйича ижтимоий ва иқтисодий комиссиясининг Марказий Осиёдаги тўғонлар (платиналар)нинг бехатар ишлаши бўйича миллатлараро минтақавий йиғилишларида иштирок этиб, республикамизнинг бу соҳадаги муносабатларини билдириб келмоқдалар.

Соҳага оид меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши, гидротехник иншоотларда таъмирлаш, қайта қуриш борасида олиб борилган ишлар уларнинг техник аҳволини яхшилаб, бехатар ишлашини таъминлади. Ишчиларнинг билим савияси оширилиб, етишмаётган лойиҳа ҳужжатлари қисман тикланди. Бажарилиши лозим бўлган ишлар учун лойиҳалар тайёрланиб, уларни амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Иншоотларнинг кўпчилигида материаллар ва ускуналар захираси талаб даражасида тўпланмаган. Текширув ва назорат аппаратлари билан тўлиқ таъминланмаган. Баъзи иншоотларда механик ускуналар талабга жавоб бермайди. Шунингдек, дарёлар ва табиий сув ҳавзаларидан қум ва тошлар қурилиш ашёлари сифатида тартибсиз олиниши сув иншоотлари, гидроузелларнинг пастки қисмлари ювилиб кетишига олиб келмоқда. Бу эса уларнинг бехатар ишлашига салбий таъсир кўрсатади.

Республикамиздаги мавжуд дарё ва сув манбалари атрофимизда жойлашган Марказий Осиё мамлакатларидаги сув манбалари билан боғланганлиги сабаб қўшни мамлакатлардаги сув иншоотларида пайдо бўладиган бузилиш, ҳалокат ва бошқа ҳолатлар республикамизда жойлашган гидротехник иншоотларнинг ишлаш қобилиятига ўз таъсирини ўтказади.

Шунинг учун республикамиздаги гидротехник иншоотларнинг техник аҳволини яхшилаб, бехатар ишлашини таъминлашда олиб бориладиган ишлар қўшни мамлакатларда жойлашган гидротехник иншоотларнинг техник аҳволи ва уларнинг ишлаш тартиби билан мутаносибликда олиб боришликни тақозо қилади.

Айни пайтда "Давсувхўжаликназорат" инспекцияси мутахассис ходимлари гидротехник иншоотларнинг техник аҳволини яхшилаш, узлуксиз, бехатар ишлашини таъминлаш ва жорий мавсумда қишлоқ хўжалик экинларини сув билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини олиб бормоқдалар.

Хурсанд ТОШЕВ,
"Давсувхўжаликназорат" инспекцияси мутахассиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор.

○ *Мутахассис минбари*

Ҳозирги куннинг муҳим агротехник тадбирларидан бири ғаллани иккинчи озиқлантириш ҳисобланади. Буғдойнинг найчалаш босқичида ўсимликнинг вегетатив органлари кўпаяди ва энг асосийси, маҳсулдор поялар сони ортади. Шу сабабли ғалла майсаларига найчалаш босқичида азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 35-40 фоизини, яъни физик ҳолатда 200-250 кг/га миқдорда селитра берилиши тавсия этилади.

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ЮМУШЛАРИ

Ғаллани бошоқлаш ёки дон шаклланиш босқичларида (апрель ойининг 1-2 ўн кунлигида) азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 15-20 фоизи (10-150 кг/га) миқдорида учинчи марта озиқлантириш яхши самара бериб, дон сифати яхшиланади ва клейковина миқдори 2-3 фоизга ошади.

Шу жараёнда азот, калий ва фосфор ўғитлари суспензияси билан барг орқали озиқлантириш ҳам юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайди.

Суспензия учун эритма тайёрлашда физик ҳолда 25 кг. карбомид, 5-6 кг. аммофос, 6-8 кг. калий олиниб, ўғитларнинг ҳар бири алоҳида идишларда сувда яхшилаб эритилиб, сузгичдан ўтказилгандан кейингина улар бир идишга бирлаштирилади ва ундан 300 литрли ишчи эритма тайёрланиб, 1 гектар ғалла майдонига "ОВХ" аппаратлари ёрдамида сепиш ташкил қилинади.

Суспензияни қўл аппаратлари ёрдамида сепишда пуркагичнинг идиш ҳажмига эътибор қилиш лозим. Агар пуркагич идиши 15 литрлик бўлса, бу ҳолда 150 литр ишчи эритма (суспензия) тайёрланиб, уни 10 марта, яъни ҳар safar 15 литрини 0,10 гектар (10 сотих) ғалла майдонига сепиш лозим.

Суспензия қўллаш муддатлари республикамизнинг вилоятларини географик жойлашувига қараб, 10-15 кунга фарқ қилиши мумкин. Ушбу тадбирни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20-22° Сдан ошмаган пайтда амалга ошириш тавсия этилади.

Озиқлантирилган майдонлар ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда 800-1000 м³ ҳисобида суғорилади. Апрель-май ойларида ўсимликларни 2-3 марта суғориш жараёнида қўшимча озиқлантириш мақсадида тайёрланган маҳаллий ўғитларнинг 30-40 фоизи шарбат усулида оқизилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча лалмикор минтақаларида куз ва қиш ойларида кучли совуқ бўлмаганлиги сабабли кеч кузда экилган уруғ тўлиқ униб чиқди ва ёппасига туплаш даврини ўтамоқда.

Республикамизнинг лалмикор ҳудудларида жорий йилда кўп йиллик меъёрга нисбатан 95-158 фоиз, ўтган йилга нисбатан 132-200 фоиз ортиқроқ ёғингарчилик бўлганлиги улардан ҳам мўл ҳосил етиштириш имкони мавжудлигини кўрсатади.

Айни пайтда лалми майдонларда асосий экин билан биргаликда, бегона ўтлар ҳам (1 кв.м.да 500-850 донагача бегона ўтлар мавжудлиги) кескин даражада ривожланмоқда. Шу боис, уларга қарши эрта баҳорги енгил бороналаш, гербицидлар билан ишлов бериш, ўсимликларни баҳорги озиқлантириш ишларини ўтказишда сусткашликка йўл қўймаслик талаб этилади.

Жорий йил об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, лалми ғаллазорлар учун гектарига 15 граммдан Биостар гербициди, 100 килограммдан (физик ҳолда) аммоний селитрасини ва етарлича ёнилғи-мойлаш материаллари ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Суғориладиган ғаллазорларда учрайдиган жағ-жағ, ёввойи рапс, исмалоқ, қизғалдоқ, шўра, олабўта, ёввойи сули, қўйпечак, итузум, семизўт ва қўйтикан каби бегона ўтларга қарши кимёвий усулда гербицидлар билан ишлов бериб борилади. Бу тадбир ҳаво ҳарорати 18-20° С даражада ўтказилганда яхши самара беради:

а) бир йиллик иккипаллалик бегона ўтларга қарши гектарига – Гранстар, 75 % о.қ.сус. – 10-20 гр; Далстар, 75 % о.қ.сус. – 10-20 гр; Биостар, 75 % о.қ.сус. – 10-20 гр; Гранстар плюсь о.қ.сус. – 15-20 гр; Старане, 20 % эм.к. – 0,75-1 л ҳисобида ишлатилади. Буларнинг ичидан Гранстар плюс гербицидини далаларда қўйпечак пайдо бўлгач, кечроқ муддатларда ўтказиш зарур;

б) ғалласимон бегона ўтларга қарши гектарига – Топик, 8 % эм.к. – 0,3 л; Далзлак, 7,5 % с.м.э. – 0,6-0,8 л; Ластик, 7 – 7,5 % с.м.э. – 0,6-0,8 л; Пума-Супер, 7,5 % с.м.э. – 0,6-0,8 л; Пантера, Атлантис, 3,6 % с.э.г. – 0,25-0,3 кг. ҳисобида ишлатилади. Гербицидларни минерал ўғитлар суспензияси билан биргаликда қўшиб сепиш яхши иқтисодий самара беради.

Тажрибалардан маълумки, об-ҳаво ёғингарчилик келган йилларда ғалла майдонларида зарарли хасва, шиллиққурт, шира, трипс каби ҳашаротларнинг ривожланиш хавфи мавжуд.

Ғалла зараркунандаларига қарши Децис 2,5 % эм.к.– 0,25 л/га, Каратэ 5 % эм.к.– 0,15-0,2 л/га, Карбафос 5 % эм.к.– 0,15-0,2 л/га, Фуфанон 57 % эм.к.– 0,15-0,2 л/га, Нурел-Д 55 % эм.к.– 0,5 л/га, Циперфос 55 % эм.к.–0,5 л/га, Циракс 25 % эм.к.– 0,2 л/га, Суми-альфа 5 % эм.к.– 0,2-0,25 л/га, Эсфен-альфа 5 % эм.к.– 0,2-0,3 л/га каби инсектицидлар билан ишлаш яхши самара беради.

Жорий йилда буғдойнинг сариқ ва қўнғир занг, қаттиқ ва чанг қоракуя, ун-шудринг, септариоз ва фузариоз касалликлари кўпроқ тарқалиши мумкин. Буғдойнинг сариқ занг касаллиги ўсимлик барглари ва ички томонида сарғиш лимонсимон, оч-сариқ тусли узунлиги 1-2 см. бўлган ҳошияли чизиқли, эни 0,5-1 мм. ипсимон доғлар шаклида пайдо бўлади. Сўнгра поя, бўғин ораликлари, бошоқ, гул қобиғи ва қилтиқларини зарарлаб, уредиоспора замбуруғлари ривожланади ва ғалланинг пишиш даврида лой ранги тусига киради.

Ун-шудринг касаллиги белгилари ўсимлик туп сони қалин бўлган майдонларда, тупроқ намлигига яқин бўлган барглари ва ички томонида оқ пахтасимон моғорлаш кўринишида пайдо бўлади. Кейинчалик ҳаво намлиги ва ёғингарчилик кўп бўлиши натижасида барглари юқори ярусларида пайдо бўлиши мумкин.

Септариоз касаллиги ўсимлик барги ва оч сариқ рангда доғлар шаклида пайдо бўлиб, доғларнинг ўртаси қўнғир тусли бўлади. Фузариоз касаллигининг белгилари эса ўсимлик барги ва ички томонида дастлаб қора нуқтали доғлар кўринишида пайдо бўлиб, доғ тушган жойлар ўзгаради ва сўнгра қурий бошлайди.

Буғдой касалликларига қарши Альто Супер 33 % эм.к.– 0,3 л/га; Байлетон 25 % н.кук.– 0,5-1 кг/га, Колосаль 25 % эм.к.– 0,3-0,5 л/га; Фоликур БТ 22,5 % эм.к.– 0,3-0,5 л/га, Раксил ва Премис каби фунгицидлар билан ишлаш яхши самара беради.

Жойларда ўсимликларни ҳимоя қилиш туман отрядлари томонидан ҳар 500 гектар ғалла майдонига назоратчи мутахассислар биркитилиб, керакли кимёвий дориларнинг захираси яратилиб қўйилиши керак.

Юқоридагиларни инобатга олиб, агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда талаб даражасида бажарилиши ғалладан мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Қ.ЭШМИРЗАЕВ,
Р.СИДДИҚОВ,
ЎзҚХИИЧ маркази мутахассислари, қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари,
С.ТУЛЕПОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармаси бош мутахассиси.

○ Ижобат

Наврўз айёми кунларида "Аму-Занг" биринчи кўтарма насос станциясига Амударёдан сув берувчи "Тиндиргич" қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уни "Тўпалангсув ГЭС қурилиш" МЧЖ жамоаси бунёдкорлари тез ва соз, сифатли барпо этдилар.

"Аму-Занг"нинг янги ўзани

Ушбу объектнинг умумий қиймати 5,6 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, "Тиндиргич" каналининг умумий узунлиги 1,7 километр, кенглиги 60 метрдан иборатдир.

Канал ўзанини лойиҳа ўлчамларига келтириш учун 2,94 кубометр тупроқ ишлари уддаланди. 2,8 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи тортилди. 1,54 километр узунликдаги чегара назорат қузатув йўлакчаси (КСП) янгидан қурилди.

"Тиндиргич" ўзанига унда тўпланган лойқаларни олиб ташлаш учун Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, ҳар бирининг қуввати 550 м³/соат бўлган икки дона махсус мослама (земснаряд) олиб келиб ўрнатилди.

Лойиҳанинг асосий моҳияти "Аму-Занг" насос станциясига боғлиқ – вилоятнинг асосан 5 та, яъни Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Термиз ва Қумқўрғон туманларидаги 100 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашга қаратилган бўлиб, "Тиндиргич"да бир йилда чиқариладиган сувга нисбатан 30 фоиз ёки 1,3 миллион м³ лойқа ушлаб қолинади. Бу, ўз навбатида, таъмирлаш-тиклаш ишларига ажратиладиган эксплуатация харажатларини иқтисод қилиш билан бирга "Аму-Занг" станциялари каскадидаги насос агрегатларининг хизмат муддатларини узайтиради ҳамда насос станцияларига боғлиқ магистрал каналлар ўзанида лойқа чўкмаларини сезиларли даражада камайтиради.

Гидроиншоотнинг фойдаланишга топширилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокими Туробжон Жўраев, Осиё Тараққиёт банки вакиллари, "Аму-Занг" канали лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбарлари, сув хўжалиги ходимлари, қурувчилар ва фахрийлар лойиҳанинг вилоятга татбиқ этилиш ташаббускори – Юртбошимизга ва ҳукуматимизга дил ташаккурини изҳор этдилар. Юздан ортиқ техника, 300 нафар ишчи кучи иштирок этган бу иншоотда иш икки сменада ташкил этилди. Асбоб-ускуналар монтажида бевосита хитойлик мутахассислар иштирок этишди. Улар бу муҳим ишни атиги уч ойда уддаладилар.

Тадбирда қурилишда алоҳида ўрнак кўрсатган бунёдкорлар меҳнати рағбатлантирилди.

Шуҳрат МАХСИМОВ,
Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва мониторинг бўлими бошлиғи.

Сурхондарё вилояти

Равон йўллар, обод масканлар

Янгиқўрғон туманидаги Ровот қишлоғи йилдан-йилга чирой очиб, обод масканлардан бирига айланиб бормоқда. Аввало, қишлоқдан ўтган Наманган-Янгиқўрғон катта асфальт йўли кенгайтирилиб, равонлаштирилди. Натижада, йўлнинг ҳар икки тарафи ўзгача қиёфа касб эта бошлади. Замонавий турар-жой бинолари, ўқув даргоҳлари қад ростламоқда. Шарқ юлдузи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилган алоқа ва компьютер технология касб-ҳунар коллежининг ҳашаматли биноси қишлоқ ҳуснига ҳусн бағишлади.

– Ўқув даргоҳи 855 ўринга мўлжалланган бўлиб, унга давлат бюджетидан 2 миллиард 224 миллион 776 минг сўмлик маблағ сарфланган, – дейди коллеж директори Акмалхон Отахонов. – Шу жумладан, 208 миллион 831 минг сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар олинди. Ўқув юртимизда асосан олти йўналишдаги 18 та ихтисослик бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Ўтган йили билим даргоҳининг дастлабки қалдирғочларини қабул қилдик. Айни кунларда 369 нафар ўқувчи ўзлари танлаган мутахассислик бўйича пухта билим ва кўникма олишмоқда. Жамоада тажрибали ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади. Камолхон Юсуфбоев, Тоҳиржон Холиқов, Фотима Эркинова ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Наманган вилояти

Кўпчилигимиз телевидение орқали намойиш этилган "Солдат отаси" бадиий фильмини қизиқиш билан томоша қилганмиз. Унда грузин отахонининг она заминга, токзорларга бўлган меҳр-муҳаббати актёр томонидан тўла-тўкис очиб берилган. Бир умр олис тоғ қишлоғида яшаган бу отахон "Она замин ҳаммамизни едириб-ичиради, кийинтиради. Кези келса, ўз бағрига олади. Ўғлим, сен танк билан она ерни, узум берадиган токзорларни пайҳон қилаяпсан. Бундай қилишинг яхши эмас. Ахир, ҳаётимизнинг тўкислиги шу замин билан боғлиқ", дейди жон куйдириб.

ЗАМИН ҲАМ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси жамоасининг фаолияти шундай тамойилга асосланган

Чиндан ҳам сабоқ олса арзийдиган ҳаётий лавҳа. Она замин барчамиз учун азиз. Кейинги йилларда Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг кўпгина фармонлари, қарорлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Булардан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса ердан унумли ва мақсадли фойдаланишдир. Бу борада, айниқса, Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинаётир.

– Ўзим ҳам қишлоқда туғилиб ўсганлигим сабабли, ерга меҳр қўйиб, ундан юқори ҳосил олаётган уста деҳқонларни ҳурмат қиламан, қадрлайман. Аслида улар маъмурчилигимизни таъминлаётир, – дейди ушбу бошқарма бошлиғи Умар Турсунов. – Биз ҳам деҳқонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 12,5 миллион сўмлик ер ўлчаш ва топосъёмка ишларини бепул бажариб бердик. Маълумки, 2009 йил мамлакатимиз Президенти томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Давлат дастурида кўзда тутилган ишларни бажариш ниятида Қизилтепа туманидаги Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ўртақўрғон маҳалласи аҳлига 1 миллион 200 минг сўмлик компьютер мажмуаси тақдим этилди. Бизда асосан интилувчан, ғайратли ёш ходимлар фаолият кўрсатади. Ўтган йили 8 нафар ходим қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бу борадаги ишларимизни амалдаги йилда ҳам давом эттираяпмиз.



Умар Баҳроновичнинг алоҳида таъкидлашича, кейинги пайтларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида кўплаб иссиқхоналар ташкил этилди. Уларда помидор, бодринг сингари турли хил сабзавотлар етиштирилмоқда. Бундан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, Навоий вилоятида 620 гектар ер майдонида эркин иқтисодий шарт-шароит яратилади. Бунинг учун ҳозирда жиддий ишлар олиб борилаяпти. Бошқарма ҳамда унинг туманларда фаолият кўрсатаётган бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланган.

○ *Назорат*

Бошқарувнинг қуйи тизимлари – туман ҳамда шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг моддий-техника базасини яхшилаш, иш унуми ва сифатини ошириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишда қулайлик яратиш мақсадида вилоятдаги мавжуд барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида ер назоратчилари мақомига эга бўлган иш ўринлари ташкил этилди. Ҳозирда ушбу вазифаларга муносиб мутахассислар танланиб, ишга қабул қилинди. Улар учун алоҳида хоналар ажратиб берилди. Бундай қишлоқ фуқаролар йиғинларидан 36 тасида ишлар бир маромда олиб борилаётир.

Шу билан бирга, вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини аниқлашда замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Навоий вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк хизмати давлат унитар корхонасига етарли тажрибага эга бўлган Баҳриддин ака Холов бошчилик қилади. У мазкур лавозимга келишдан олдин узоқ йиллар хизматнинг Қизилтепа бўлимини моҳирлик билан бошқарганди. Бир ишни қилишдан олдин етти ўлчаб бир кесадиган соҳа мутахассиси билан узоқ суҳбатлашдик.

– Ҳозирги кунда вилоятимиз бўйича тизимда 124 нафар ходим фаолият кўрсатаётир. Барча туман хизматларимиз етарли асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун синчковлик талаб қилинади. Кадастр объектларига эгалик ҳуқуқларини расмийлаштириш мижозлардан бирмунча вақт талаб қилади. Агар мижоз ўзига тегишли бўлган объектларга ҳуқуқий ҳужжатларини тўлиқ тақдим қилса, кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, давлат рўйхатидан ўтказиш осон кўчади. Лекин баъзилар ерга ва бино-иншоотга тўлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим қилишни пайсалга солишади. Буларсиз кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин эмас. Вилоятимизда 4016 та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Барча туманларда экин-тикин ишларига пухта тайёргарлик кўрилаётир.

2008 йил якуни бўйича вилоятда 491565,6 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Шундан 127673,1 минг сўми давлат ер кадастри, 233269,6 минг сўми бино ва иншоотлар кадастри ҳамда 130622,8 минг сўми ер участкаларига ва бино-иншоотларга бўлган эгалик ҳуқуқларини ҳамда улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини ташкил этади.

Ер кадастри ишлари бўйича жами 242,3 гектар майдондаги 988 та ер участкаларида кадастр съёмкаси ўтказилиб, 45596,1 минг сўмлик иш бажарилди. Бошқа фаолият турларидан тушган даромад эса 82076,9 минг сўмни ташкил этди.

Бино ва иншоотлар кадастри ишлари бўйича 7158 та турар-жой бино ва иншоотларга 103354 минг сўмлик инвентаризация ишлари, 9769 та турар-жой бино иншоотларга 37013,7 минг сўмлик баҳолаш ишлари бажарилган. Шунингдек, 1418 та турар-жой бўлмаган бино ва иншоотларга 73279,8 минг сўмлик инвентаризация ишлари, 1654 та турар-жой бўлмаган бино ва иншоотларга 19621,9 минг сўмлик баҳолаш ишлари бажарилди.

Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк хизмати давлат унитар корхонаси жамоаларининг эзгу ниятлари битта – у ҳам бўлса тириклигимиз манбаи бўлган ердан, заминдан мақсадли фойдаланишни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишдан иборат.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Навоий вилояти

ФАРҒОНАДА ЯНГИ «БАХТ УЙИ»

Наврўз тантаналари давом этаётган айни кунларда Фарғона шаҳрида янги "Бахт уйи" очилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, янги-янги ижтимоий-маданий иншоотларни бунёд этиш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Фарғона ва Қўқон шаҳарларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларга оид қарори ҳам буни яққол исботлаб турибди. Янги "Бахт уйи" ҳам мазкур дастур доирасида қуриб битказилди.

Муҳташам иншоотни барпо этишда "Кувасойтаъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта бўлди.

"Бахт уйи"нинг очилиши Ҳалимжон Деҳқонов ва Раъно-хон Собирова, Сергей Корнев ва Юлия Яхина каби келинкуёвларнинг никоҳ тантаналарига уланиб кетди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Муқимжон ҚОДИРОВ *(ЎзА)* олган сурат.

Фарғона вилояти

Молгузар ва Нурота тоғ тизмаларини туташтирувчи Амир Темур дарвозасидан Сангзор дарёси оқиб ўтади. У Бахмал ғўшасининг зар кокиллари – биллур чашмалар, тезчопар ирмоқлардан ҳосил бўлган. Бахмал қишлоқларига келаётган ҳар бир меҳмон бу булоқлар қаршисида тўхтаб, бир оз тин олади, беихтиёр атрофдаги манзараларни томоша қилади. Чунки ёнингизда гоҳ ёйилиб, гоҳ торайиб, шиддат билан Сангзор дарёси оқмоқда, олди-ортингизда боғ-роғлар, пасту баланд қир-адирлар, икки ёнда Молгузар билан Ойқор чўққилари салобат тўкиб турибди.

БАХМАЛ ДЕЙИЛГАНДА...

Юртимиз ғўшалари

Мусаффо тоғ ҳавосидан нафас олаётганингиз ўзингизга ҳам сезилади. Қишда оппоқ қорга бурканган баланд тоғлар, баҳорда эса, гуллаган боғлар, улар ичра сайраган булбуллар, тинимсиз қўшиқ куйлаб, дарёга қуйилаётган жилғалар, адирлик бағридан қайнаб чиқаётган булоқлар сизни батамом ўзига мафтун этади.

Ҳа, юзлаб меҳмонлар дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун Бахмал қишлоқларига, оромгоҳларига келишади. Улар меҳнат таътилларини ёки дам олиш кунларини тоғ ёнбағирларида, арчазорларда, хуллас, табиатнинг кўркам қучоғида ўтказишади. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Сангзорнинг ва тоғ булоқларининг мусаффо суви, исми жисмига монанд Бахмалнинг салқин ҳавоси, олмалари, тоғ табиатининг кўркам манзаралари, йилқиларининг қимизи жуда кўплаб дардларга даводир. Шунинг учун ҳам бу заминда пансионатлар, оромгоҳлар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари бунёд этилган.

Бахмалликлар азалдан меҳмондўст халқ. Уларнинг кабоби-ю қимизи ва тўнтарилса-да идишдан тўкилмайдиган қатиғи меҳмонларга жуда манзур бўлган. Айниқса, қимизи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки денгиз сатҳидан 1,5-2 минг метр баландликда "бетага" деган гиёҳ ўсади, ундан озиқланган биялардан сифатли қимиз олинади. Бетага доривор ўсимлик бўлгани учун йилқи-биялар фақат ўша ўтга боқилади, унинг қимизи ҳақиқий шифо бўлади. Шунинг учун ҳам халқ орасида шундай мақол бор: "Бетага бияга, янтоқ туяга."

Шу ўринда "Бахмал" номининг келиб чиқиши хусусида икки оғиз сўз: Бахмалнинг пурвиқор тоғлар билан ўралган сўлим табиатини, баҳор фасли турфа рангдаги майсаларининг бахмал пойандозларини, яшил водийларини кўрган киши Бахмал номи унинг табиатидан олинган, дейиши табиий. Бу асосли фикр. Лекин кексаларнинг айтишига қараганда, "Бахмал" номининг туғилиши ҳақида бошқача ривоятлар ҳам бор. Ана шу ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, ҳозирги "Тоғ ҳавоси" пансионатига яқин хушманзара сой бўйида ака-ука Ҳақназар ва Худойназарлар яшаган экан. Ҳақназарнинг сочлари сунбулдек, қомати самбитдек сулув қизи бўларкан. Соҳибжамолнинг гўзаллиги ҳақидаги хабар бутун Сангзорга тарқалибди. Худойназарнинг эса баҳодир, алп келбатли ўғли бўлган экан. У амакисининг қизига совчи юборибди. Икки оға-ини ўртасидаги сойда, Қайнарбулоқ ёнида катта тўй қилишибди. Йигит томон ҳиммат қилиб, келиннинг келишига бахмалдан пойандоз солибди. Келинкуёв яшайдиган ёзги ўтовни ҳам бахмал билан безабдилар. Шу-шу, аввал "Бахмалли уй", сўнг, "Бахмалсой" деб аталиб, кейинчалик қишлоқ ва туман номларига айланибди.

Уларнинг тўйида айтилган "ёр-ёр" ҳанузгача Бахмал ёшлари ўртасида куйланиб келинади.

Сангзор дарё оқади рақси билан, ёр-ёр,
Ўтов ёшларга монанд нақши билан, ёр-ёр,
Куёвтўра телпаги тўқ қундузи, ёр-ёр
Бахмалли уй тўрида бахт юлдузи, ёр-ёр.

Бахмал заминидаги қадамжолар билан боғлиқ ривоятларни айтмайсизми? Бу ерда одамлар Навқа ота зиёратгоҳи ҳақидаги "Туя устидаги бокира", Хожа Кўндаланг бобо ҳақидаги "Туя таъзим қилган авлиё", Саъд ибн Абу Ваққос ҳақидаги "Авлиёнинг жимжилоғи", "Маликанинг хайрли туши" каби ўнлаб ривоятларни ҳикоя қиладилар. Бу юртдан Тўра Сулаймон, Шароф Бошбеков, Нурали Қобул, Худойберди Дониёров, Ҳабибулло Бектемиров, Акрам Каттабеков, Олимжон Жўраев каби шоир ва олимларнинг етишиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас. Бахмаллик ижодкорлар унинг жамолини алоҳида завқ билан таърифлайдилар:

"Бахмал – ўзбек диёрининг гўзал ғунчаси, сўлмайдиган, абадий гўзаллигача қоладиган, боқиб, ҳидлаб тўймайдиган ғунча. Унинг баҳори шаддод қиздек ўйноқи, ёзи келинчакдек нозли, кузи қуёш жилосидай ёқимтой, баъзан эса серзарда. Қиши мийиғида кулимсираб турган оппоқ соқолли чолдек марҳаматли".

Сангзор дарёсининг ирмоқлари тоғ тепасидаги Олдошмон, Зартепа ва Зомин қишлоқларидан бошланади. Сангзорга Оққўрғон қишлоғидан Мингбулоқ ирмоғи ва ҳар бир қишлоқ сойларидан юзлаб булоқ сувлари қўшилиб, Жиззах шаҳригача жўшқин дарё бўлиб, кўпайиб боради. У ердан эса фермер хўжаликлари далаларига обиҳаёт тарайди.

Бахмал тумани 1971 йилда ташкил топган бўлиб, умумий ер майдони 186382 гектарни ташкил этади. Шунинг 111480 гектарида қишлоқ хўжалик экинлари парвариш қилинади. 74957 гектар майдони ўрмонзорлардан иборат. Туманда 106 минг киши истиқомат қилмоқда. Туман географик жиҳатдан тоғ ва тоғолди тизмасида жойлашган, уни уч тарафидан Молгузар ва Туркистон тоғ тизмалари ўраб туради. Тизмалардаги энг баланд чўққи 3401 метрни ташкил қилади. Туман ғарбдан Булунғур, Ғаллаорол туманлари, шимолдан Молгузар тизмалари оша Зомин тумани билан, жануби-шарқдан Туркистон тоғлари оша Тожикистон билан чегарадош. Бахмалга одамлар аввало, соғлиғини тиклаш, ҳордиқ чиқариш, тоғу қирларни саёҳат қилиш, қолаверса, тижорат мақсадида ҳам келишади. Негаки, Бахмалнинг деярли барча қишлоқларида экологик тоза, ширин ва сифатли олма етиштирилади. Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан келган харидор-тижоратчиларнинг ташрифи узилмайди. Шунинг учун ҳам республикамизнинг барча бозорларида Бахмалнинг шифобахш олмасини учратасиз. Бундан ташқари, ҳудудда муҳим қурилиш ишлари ҳам ишлаб чиқарилади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туман қишлоқ хўжалиги ва саноатига янги технологиялар жалб қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгаяди.

Абурауф РАҲИМҚУЛОВ

Жиззах вилояти

Божхона

"БОҒИЖАННАТ"ГА ТУШМАГАН МАҲСУЛОТЛАР

Республикамиз божхона ходимлари юртимиз ҳудудига сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш борасида катор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда Янгиер шаҳрида ҳаракатланаётган "КаМАЗ" юк машинасини белгиланган тартибда кўздан кечиришди. Натижада, унга қарийб 54,5 миллион сўмга яқин 16 тоннадан ошиқ товуқ гўшти юкланганги аён бўлди. Аммо ҳайдовчи ва юкнинг эгаси бўлмиш А.Усманкулов бу маҳсулотларга тегишли ҳужжатларни божхоначиларга кўрсата олмади.

Фуқаро И.Исаков ҳам товуқ гўшти савдосидан мўмай даромад орттиришни кўзлаган эди. Аммо унга тегишли қиймати салкам 42 миллион сўмлик, 15 тоннага яқин товуқ гўшти маҳсулотлари "КаМАЗ"га юкланиб, айланма йўллар орқали олиб кетилаётганда самарқандлик божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

Бухоро вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам сифати кафолатланмаган товуқ гўштининг хўрандаларга етиб боришининг олдини олишди. "Гулистон-Бухоро" йўналиши бўйича ҳаракатланувчи "Мерседес Бенц" русумли автобусдан Бухоро шаҳридаги "Боғижаннат" чойхонасига туширилаётган фуқаро Ж.Нарзуллоевга тегишли 8 тоннага яқин товуқ гўшти вилоят божхоначилари томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ПИЁЗ ЎЗИМИЗГА ҲАМ КЕРАК

Республикамиз божхоначилари юртимиз ҳудудидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширишяпти.

Андижон вилояти божхоначилари ходимлари Пахтаобод туманидаги айланма йўлларда ўтказган тадбирлари чоғида кўп миқдордаги пиёз маҳсулотининг юртимизга ноқонуний олиб кирилишига оид бир нечта ҳолатларга чек қўйишди. Айланма йўлда харакатланаётган "КаМАЗ" юк машинасини текширувдан ўтказган божхоначилар унга 7 тонна пиёз ортилганини аниқлашди. Фуқаро Н.Миркомилов ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта сотиш мақсадида қўшни давлатдан тегишли ҳужжатларсиз юклаб келаётган экан.

Вилоят божхона бошқармасининг "Қўшчинор" божхона пости ходимлари 11 тонна пиёз ортилган "КаМАЗ"нинг йўлини тўсишди. Наманганлик Р.Йўлдошев ҳам қўшни давлатдан олиб келаётган бу маҳсулотларни қайта сотишни кўзлаган эди.

Шаҳрихонлик К.Ирматов ва пахтаободлик Ж.Маллабоевларнинг қилмишларига ҳам шу тахлитда якун ясалди. Уларнинг бири 12 тонна, иккинчиси 6 тонна пиёз маҳсулотини тегишли ҳужжатларсиз қайта сотиш учун юртимизга олиб киришга уринган экан.

Вилоят божхоначилари томонидан юқоридаги ҳолатларда умумий қиймати 22 миллион сўмдан ошиқ пиёз маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Пиёзнинг ноқонуний олиб ўтилишига оид Сирдарёда қайд этилган ҳолатларда қарийб 16 ярим миллион сўмлик маҳсулотлар ушлаб қолинди. Сирдарёлик божхоначилар "Зил" юк машинасига 8 тоннага яқин пиёз юкланганлиги, ушбу маҳсулотлар фуқаро С.Нарзиевга тегишли эканлигини аниқлашди. Фуқаро Ш.Хушвоқов ҳам 12 тоннадан ортиқ пиёзни қайта сотиш мақсадида ноқонуний тарзда олиб кетаётганда манзилга етолмади.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

МЕТАЛЛШУНОС "ТАДБИРКОРЛАР"

Саноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора металлга эҳтиёж ҳамиша баланд бўлиб келган. Шу боис, қора металл парчалари ва чиқиндилари ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Бундан фойдаланиб қолишга уринган баъзи сохта "тадбиркорлар" қилмишларига эса ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Учқудуқ туманидаги айланма йўлларда ҳаракатланаётган "УАЗ" автомашинасини назоратдан ўтказган божхоначилар унга фуқаро Р.Сетеназаровга тегишли салкам 1,5 тонна қора металл чиқиндилари юкланганини аниқлашди.

Сирдарё вилояти божхоначилари эса "Зил" юк автомашинасида қарийб 2 тонна темир парчаларини айланма йўллар орқали яширинча қўшни давлатга олиб чиқишга уринган Т.Каримовнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйишди.

Божхоначилар томонидан Арнасой туманидаги айланма йўлларидан бирида ҳаракатланаётган "КаМАЗ"га ҳам оз эмас, кўп эмас накд 4 тонна қора металл чиқиндилари юклангани ва уларнинг эгаси фуқаро F.Жозилов экани аниқланди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Азиз ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНК "ПАХТАБАНК"ДАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ТАКЛИФИ

Энди Сиз VISA Card ни Пахтабанкда олишингиз ҳамда дунё бўйлаб молиявий эркинлигингизни, ижтимоий фаровонлик ва ишончли келажагингизни қўлга киритишингиз мумкин!

Visa Electron — дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар учун, ёшлар учун таклиф этилади.

Visa Classic — универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.

Visa Gold — энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.

VISA Card ларга эга бўлишингиз учун Пахтабанк филиалларига мурожаат қилинг.

Мурожаат учун телефонлар: 150-53-43, 150-85-27.

"ЭКОСАН"да тадбир

Обиҳаёт муаммоларига бағишланди

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотида 22 март — Бутунжаҳон сув кунига, "Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари" мақсадли дастури ҳамда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган қатор лойиҳаларнинг бажарилишига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар йили 22 мартда Бутунжаҳон сув куни барча мамлакатларда кенг нишонланади. Бундан кўзланган асосий мақсад — сув объектларининг ҳолатига ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини жалб қилиш, сувнинг ҳар бир инсон ҳаётида тутган муҳим ўрни устида фикрлашга ундашдан иборат.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг "Сув, экология ва саломатлик" мавзусидаги тақдимотида таъкидланганидек, XX асрда сув истеъмоли етти, аҳоли сони эса уч баробарга ошди. БМТнинг маълумотларига қараганда, 2050 йилларга бориб аҳоли сони бугунги 6,5 млрд. кишидан 9 млрд.гача етади ва заминимиздаги 47 фоиз аҳоли сув танқислигидан азият чекади. Шу каби муаммолар ечими ва бир қатор истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилган учрашув қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Шунингдек, учрашувда Ёшлар йилига бағишланган "Ўзбекистон ёш олимларининг экология соҳасидаги энг рақобатбардош фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлари учун "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг мукофоти" совриндорлари ва лауреатларини, юқумли касалликлар шифохоналари ўртасида "Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона" ҳамда "Соғлом турмуш тарзи, санитария, гигиена ва экологик маданият асосларини тарғиб қилувчи энг ибратли умумамалиёт шифокори" номинациялари бўйича республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Миркарим МИРСОВУРОВ

SSANGYONG

Двигатель, трансмиссия, подвеска по лицензии Mersedes-Benz

ACTYON *Весь модельный ряд*

Товар сертифицирован

ООО "ULOR AVTO" официальный дилер компании "SsangYong Motor Co" (Южная Корея) в Узбекистане.

Тел.: (+998 71) 148-48-48, 150-71-20, факс (+998 71) 150-71-21, моб.: (+998 97) 421-21-01, 421-21-02.

Прямые поставки с завода-изготовителя (Южная Корея)
Автомобили адаптированы, гарантия - 2 года или 40.000 км пробега.

ООО "ROISON SECURITY" (ОКОНХ 87400, ИНН 300930741), зарегистрированное в Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, в соответствии с решением учредителя от 23.03.2009 г., расположенное по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.И.Усманова, 6 проезд, 71, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул. И.Усманова, 6 проезд, 71. Тел.: 270-46-10.

ООО "XIMMAT-TURIZM" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 48 731 900 сум до 22 449 700 сум.

Утерянный диплом ПВ № 840156, выданный 1988 г. Ташкентским Государственным экономическим университетом на имя Юнусова Аскара Базарбаевича, считать недействительным.

Фермерлар, тадбиркорлар ва чорвадорлар диққатига!

"Daiichi Agro Kimya Business" корхонаси дунёнинг 5 қитъаси ва 40 та давлатидаги сут соғувчилар фойдаланиб, мамнун бўлаётган, минутига 180 литргача сутни соғиш қувватига эга, асосий қисмлари зангламас пўлатдан ясалган, 4 та бидонлик "Bereket" аппаратларини таклиф этади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчаси 2-уй. "Daiichi Agro Kimya Business" корхонаси ("Зенит" заводи ёнида). Тел: 150-10-47 факс: 150-10-46

DAIICHI GROUP

Маҳсулот сертификатланган

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-1. "Самарқанд вилоятидаги "Шўрбедана" хўжаликлараро коллекторини қуриш" объекти.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **90 044 140 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: **5 ой**.

Лот-2. "Самарқанд вилоятидаги "Янги" коллектори тизимида хўжаликлараро коллекторларни реконструкция қилиш" объекти.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **115 590 165 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: **6 ой**.

Лот-3. "Самарқанд вилоятидаги "Қорасув ўнг" коллектори тизимида хўжаликлараро коллекторларни реконструкция қилиш" объекти.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **90 409 044 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: **5 ой**.

Лот-4. "Самарқанд вилоятидаги "Хожа" коллектори тизимида хўжаликлараро коллекторларни реконструкция қилиш" объекти.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **71 475 411 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: **5 ой**.

Лот-5. "Самарқанд вилоятидаги "Бўстон" коллектори тизимида хўжаликлараро коллекторларни реконструкция қилиш" объекти.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **131 746 080 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: **6 ой**.

Лойиҳа ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Буюртмачи:* Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.**

Танлов ташкилотчиси – *Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиши мумкин:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (юз минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 20 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

Мушоҳада

САЛОМАТЛИК ОҒУСИ, РЎЗҒОР КУШАНДАСИ

Чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандликнинг саломатликка, ҳамёнга зарари ҳақида ўйлаганимда, Фарғона водийсидаги туманлардан бирида амалга оширилган таҳлилий ҳисоб-китоблар ёдга тушаверади. Туманда 240 минг аҳоли яшашига асосланилиб, сўраб-суриштиришларга таянган ҳолда ҳар йигирма кишидан бири, яъни 12 минг киши чекиши қайд этилган. Уларнинг ҳар қайсиси бир қутидан сигарет чекиши ва уни сотиб олиш учун ўртача 700 сўмдан сарфланиши назарда тутилса, туман бўйича кунига 8,4 миллион, ойига 252 миллион, йилига 3 миллиард 24 миллион сўм маблағ заҳарли тутунга айланиб, ҳавога учиши аниқланган.

Тилга олинган рақамларни вилоят, мамлакат миқёсига татбиқ этсак, катта миқдор вужудга келиши кўринади. Таҳлилчилар ҳар ўн кашандадан икки-учтаси бир қутига қаноат ҳосил қилмаслигини, кунига 1,5-2 қутини чекиб тугатишини таъкидлашган. Ашаддий чекувчилар бўлган оилаларда сигарет сотиб олишга кетадиган харажат одатдагига нисбатан 1,5-2 баравар кўп бўлади. Яъни, кунига бир қутидан чекадиганлар йилига 255,5 минг, икки қутини кўрмадим, дейдиганлар эса 511 минг сўмни сигаретга сарфлашади. Бу эса улар ишлаб топадиган даромаднинг 15-20 фоизини ташкил этади. Мутахассислар спиртли ичимликлар масаласини ҳам айнан шундай таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқишганда, даромаднинг учдан бир қисмидан кўпроғи ичиш, чекишга кетиб қолиши маълум бўлган. Булар ҳақида чуқур ўйлаб, хулоса чиқарилса, шундай оилалар рўзғоридан барака кетиши қундай аёндир. Зеро, америкалик сиёсий арбоб, олим Бенжамин Франклин бежиз "Ичмаслик – ўчоққа ўтин, қозонга гўшт, ҳамёнга – пул, танга куч, устга – кийим-бош, мияга – ақл, оилага – бахт-фаровонлик бахш этади", деган эмас.

Юқорида баён этилган фикрларда кашандалик, ичкиликбозликнинг иқтисодий жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Уларнинг маънавий-ахлоқий зарари, саломатликка, ирсиятга салбий таъсири эса ўн чандон зиёд. Шу ўринда бир мисол: мактабда ишлаётган пайтимда Баҳодир исмли ўқувчим аъло хулқи, билими юқорилиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Орадан йиллар ўтиб, собиқ Политехника институтининг қурилиш факультетида дарс бера бошладим. Икки юзга яқин талаба маъруза тинглашарди. Мен билган Баҳодир тўртинчи курс талабаси ва гуруҳ етакчиси экан. Унинг талабчанлиги, назорати боис талабаларнинг давомати деярли юз фоиз бўларди. Имтиҳон вақтида Баҳодирнинг синов баҳолари қайд этилган ҳужжатидан барча фанлардан "аъло"га жавоб берганини билдим.

Олийгоҳни имтиёзли битирган Баҳодир катта бир қурилиш ташкилотига муҳандис этиб ишга тайинланди. Яхши бир оиланинг қизига уйланиб, ўғилли бўлди. Афсуски, ёш мутахассис ичиш ва чекишга ружу қўйди. Мастлик туфайли кўчаларда тупроққа қоришиб ухлаб қоладиган, ҳафталаб ишга бормайдиган одат чиқарди. Охири ишдан бўшаб, одамлардан қарзга пул олиб ичадиган, оиласига совуққонлик билан қарайдиган даражага етди. Эркак одам кечқурун бадмаст, эрталаб ишёқмас бўлиб қолгандан кейин хотини ҳам ташлаб кетаркан. Ичкиликбозлик Баҳодирни шундай кўйларга солди. Ҳаётбахш фикрларининг йўли тўсилиб, ақлий қобилиятлар йўқолиб, ёш оила ҳаловатига путур етди. Хурсандчилик, саломатлик учун ичавериб, охир-оқибат мусибатга дучор бўлди.

Дарҳақиқат, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик одамни қашшоқлик, хору зорлик кўчасига бошловчи иллатлардир. Улар, ҳатто, очлик, вабо ва урушдан ҳам кўпроқ қулфатларга сабаб бўлади. Ривоят қилишларича, бир фоҳиша аёл ёш йигитга: "Ё мана бу чақалоқни ўлдирасан, ё мен билан зино қиласан ёки мана бу ичимликни ичасан", деб шарт қўйибди. Йигит ўйлаб туриб:

"Зино қилиш, бегуноҳ чақалоқни ўлдириш шариатда катта гуноҳ ҳисобланади. Ароқ ичиш ароқни ича қолай", дебди. Ароқ кучи билан маст бўлган йигит аввалига чақалоқни ўлдирибди, кейин зинога қўл урибди.

Қаранг, ичкилик инсонни қай аҳволга солади? Унинг учун бундан ортиқ шармандалик бўлмаса керак? Бундайлар номус ва қутлуғ номларини сақлай олмайдилар. Чунки уят, орномус улардан бегона бўлади. Ичкилик –заҳарли илон, чақса ўлдиради. Ичкиликбозлик барча гуноҳлар ичида энг оғиридир. У бор жойда яхши фазилатлар учун эшиклар ёпилади, иллатларга йўл очилади. Қанчаданқанча қизларнинг иффати мастликда топталади.

Забардаст, истеъдодли инсонларни тўғри йўлдан оздирувчи, кучини совуриб, қувватини сўриб олувчи, машиналар ҳалокати, минглаб одамларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши ва мажруҳ бўлишига асосан ичкилик сабаб бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, содир этилаётган қонунбузарлик ва жиноий ишларнинг тўқсон фоизи ичкилик билан боғлиқ экан.

Ҳар кимсанинг бошига тушадиган аянчли тақдирга ўзининг нобакорлиги, маишатпарастлиги сабабдир. Ёшларнинг тўғри йўл танлаши кўп жиҳатдан улар ишлаётган жамоадаги муҳитга боғлиқ. Ёмон муҳитда маънавий ўпирилишлар содир бўлиб, ҳатто, гул ўрнида алаф ўсиши мумкин.

Оилада эр қанча кўп ичса ва чекса, хотини, бола-чақаси шунча кўп кўз ёш тўкади. Энг ёмони, ичкилик ичадиган эркак ва аёллардан туғилажак фарзандлар мажруҳ, ақли заиф бўлиб дунёга келади. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлганлар ор-номус, уят, инсонийлик сифатларидан маҳрум бўладилар. Оилани хонавайрон қилиб, кўни-кўшни, қариндош-уруғ, дўсту биродарларининг нафрат ва норозиликларига бефарқ қарайдиган, раҳмсиз, сурбет бўлиб қоладилар.

Яқин ўтмишда тўйлар, меҳмондорчилик билан боғлиқ тадбирларнинг деярли барчасида ичкилик масаласи биринчи ўринда турарди. Гап, "неча яшик ароқ оламиз"дан бошланарди. Ҳатто, наҳорги ош дастурхонларига, хотира тадбирларига ҳам ичимлик қўйишгача бориб етилганди. Ичкиликбозлик, айниқса, ёш авлод тарбиясига жиддий хавф туғдирувчи иллатга айланиб қолганди. Тўғри, алкоголизмга қарши кураш бўйича бир қатор чоралар кўрилгандек бўлди, лекин улар кутилган натижани бермади. Вино заводлари беркитилиб, минглаб гектар узумзорлар бузиб ташланди. Яширинча ишлаб чиқарилган қўланса ароқлардан заҳарланганлар ҳам бўлди. Чайқовчилик авжга миниб, кечаси яшириб ароқ сотадиганларнинг иши юришиб кетди. Тўйларда назорат кучайтирилди. Чунки ароқ ва винони одамларнинг қўлидан тортиб олиш ҳақида эмас, балки уларнинг қалбида шундай оғуга нисбатан нафрат, муросасизликни уйғотиш, ичкиликбозлик қанчалик катта офат эканлигини онгига сингдириш тўғрисида қайғуриш зарур эди.

Шукроналар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз тикланди, ўзлигимизни янада теранроқ англаяпмиз. Кўпгина иллатлар, хусусан, ичкиликбозликка қарши таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Уламолар, илм кишиларининг мазмунли ва таъсирчан маърузалари, маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари томонидан изчил олиб борилаётган тушунтириш ишлари ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таъсирчан ўгитлар инсонларда, айниқса, ёшларда ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик балосига қарши нафрат уйғотмоқда. Бу борада эришилган натижалар билан қаноатланмасдан Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугунги мураккаб замонда мавжуд бўлган зарарли таъсир ва оқимларга, хусусан, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка нисбатан ёшларимизни муросасизлик руҳида тарбиялашимиз, шу йўналишдаги ишларимизни янада такомиллаштириб бормоғимиз лозим.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

"ПАХТАКОР" ЯНА "ЛОКОМОТИВ"НИ ЕНГОЛМАДИ

ФУТБОЛ

Ўзбекистон чемпионати 3-тур учрашуви доирасида пойтахтнинг "Пахтакор" ҳамда "Локомотив" клублари учрашди. Унда Олий лига-2008нинг тўртинчи турида бўлгани каби бу сафар ҳам "Пахтакор" "Локомотив" билан ўйинда очко йўқотишга мажбур бўлди.

Учрашув пахтакорчиларнинг ташаббуси билан бошланган бўлса-да, биринчи бўлиб дарвозага тўп киритиш темирйўлчиларга насиб этди. 26-дақиқада Музаффар Умрзоқов тезкор қарши ҳужумни якунлаб, бош билан Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозага тўпни йўллади ва ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимда майдонга тушган Дарко Маркович 69-дақиқада ҳисобни тенглаштирди. Ва шу ҳисоб ўйин охирига қадар ўзгармай қолди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Сўғдиёна" — "Олмалиқ" 3:2, "Навбаҳор" — "Бухоро" 1:1, "Динамо-С" — "Хоразм" 1:1, "Металлург" — "Шўртан" 3:1, "Нефтчи" — "Бунёдкор" 0:3, "Насаф" — "Андижон" 4:2, "Қизилқум" — "Машъал" 1:1

СКОЛАРИ "БУНЁДКОР"ГА КЕЛАДИМИ?

Туркиянинг www.sondakika.com сайти Бразилия ва Португалия терма жамоалари бош мураббийи вазифасида фаолият юритиб, улкан натижаларни қўлга киритган, бразилиялик мураббий Луис Фелипе Сколарининг "Бунёдкор" футбол клуби раҳбарияти билан музокаралар олиб бораётгани ҳақида хабар тарқатган. Ушбу мураббийнинг сўнгги иш манзили Лондоннинг "Челси" жамоаси бўлган. У 2009 йил 9 февралда "Челси" бош мураббийлиги вазифасидан озод этилган.

"ЧЕЛСИ" ЯНА "ЛИВЕРПУЛЬ"ГА ҚАРШИ

Европа Чемпионлар лигасининг 1/4 босқичига қурьа ташланди ва унинг натижасига кўра қуйидаги жуфтликлар ўзаро куч синашадиган бўлишди.

"Вильярреал" (Испания) – "Арсенал" (Англия)
"Манчестер Юнайтед" (Англия) – "Порту" (Португалия)
"Ливерпуль" (Англия) – "Челси" (Англия)
"Барселона" (Испания) – "Бавария" (Германия)

1/2 финал

"Манчестер Юнайтед" / "Порту" жуфтлиги ғолиби – "Вильярреал" / "Арсенал" жуфтлиги ғолиби

"Барселона" / "Бавария" жуфтлиги ғолиби – "Ливерпуль" / "Челси" жуфтлиги ғолиби

Жуфтликларда биринчи кўрсатилган жамоа илк ўйинни ўз майдонида ўтказади.

Чорак финалнинг дастлабки баҳслари 7-8 апрель кунлари, жавоб ўйинлари эса 14-15 апрель кунлари бўлиб ўтади.

КЛИЧКО ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛДИ

БОКС

Ака-ука Кличколарнинг каттаси – Виталий боксниг WBC йўналиши бўйича бўлиб ўтган чемпионлик жангида ғалаба қозонди.



Даъвогар бўлмиш Хуан Карлос Гомес жангни тезкор ҳаракатлар билан бошлади. Шу йўл билан у чемпионни шошириб қўйишга ҳаракат қилди. Лекин 5 раундга келиб, кучли зарбаларни ўтказиб юборган Гомес ташаббусни тўлиқлигича Кличкога топшириб қўйди. 7 раундда нокдаунга учради. 9 раундда эса умуман қаршилик қилишни тўхтатиб қўйганидан сўнг рефери учрашувни тўхтатишга мажбур бўлди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2000

Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган корхона қуйидагиларни тайёрлайди ва таъмирлайди:

ЭЦВ русумли қудуққа мўлжалланган насослар;
ЭЦВ6-10-80 ЭЦВ8-16-160М ЭЦВ8-16-80М ЭЦВ8-25-100М ЭЦВ8-40-90М ЭЦВ8-40-60М
ЭЦВ10-63-65 ЭЦВ10-63-150 ЭЦВ10-65-110 ЭЦВ10-100-15М ЭЦВ10-120-80М ЭЦВ10-120-55М
ЭЦВ10-120-40М ЭЦВ10-120-30М ЭЦВ10-160-35М ЭЦВ12-255-30М

Д русумли ётиқ насослар;
Д320-50М Д630-90М Д1250-65М Д1250-125М Д1600-90М Д2000-21
Д2500-62 Д3200-33 Д3200-75 Д4000-95 Д6300-80 Д6300-27

К русумли тагликка ўрнатилган насослар;
К200-125-330 К200-150-268 К100-65-250 К100-65-200 К100-80-160 К80-50-200
К65-50-152 К40-32-128

Насос станциялари;
А50ГО-0,5/10 А40ГЦ-0,55/21 А30ГЦ-0,3/7 СНП 500/10 СНЭ 200/5

Барча русумдаги насосларнинг эҳтиёт қисмлари;
Корхонада шунингдек, насос қурилмалари ва қуввати 3000кВт гача электр двигателлар капитал таъмирланади;

SUVMASH ОАЖ акцияларининг назорат пакетига Энергомашкорпорация ОАЖ (Россия Федерацияси) эгалик қилади.

100182, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бектемир тум., Ҳусайн Байқаро кўчаси, 13.
Tel: (998 71) 295-13-00, 295-25-75, 295-06-37. Fax:(998 71) 295-51-08, e-mail:office@suvmash.uz , www.suvmash.uz
Маҳсулотлар сертификатланган

Қарадор СП "Миасс" (СТИР 202016240) юридик манзили: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Назарбек қишлоғи, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йилнинг 2 октябрда № 11-0806/3719(19) сонли қарорига мувофиқ банкрот деб топилди, унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланди ва тугатиш бошқарувчиси вазифасига Васиев Абдували тайинланди.

1. Кредиторлар талабларини тугатиш бошқарувчиси қуйидаги манзилда қабул қилади: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Назарбек қишлоғи.

Кредиторлар талабларини ушбу хабарнома чоп этилган кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилиши шарт, муддати ўтиб тақдим қилинган талаблар қабул қилинмайди.

2. Кредиторлар йиғилиши 27 март 2009 йилда соат 11.00 да Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Назарбек қишлоғи, СП "Миасс" биносида ўтказилади.

ООО "ROISON PAINTING TECHNOLOGY" (код по ОКПО 22522450, ИНН 300941048), зарегистрированное в Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, в соответствии с решением учредителя от 23.03.2009 г., расположенное по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.И.Усманова, 6 проезд, 71, ликвидируется. С момента государственной регистрации ООО "ROISON PAINTING TECHNOLOGY" финансово-хозяйственную деятельность не осуществляло.

ООО "ROISON MOBILE" (код по ОКПО 22522555, ИНН 300941110), зарегистрированное в Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, в соответствии с решением учредителя от 23.03.2009 г., расположенное по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.И.Усманова, 6 проезд, 71, ликвидируется. С момента государственной регистрации ООО "ROISON MOBILE" финансово-хозяйственную деятельность не осуществляло.

Утерянная круглая печать, выданный разрешительным отделом Чиланзарского РУВД г.Ташкента частного предпринимателя Жураевой Луизы Каримовны, считать недействительным.

Ҳурматли ёшлар!

Сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги

"ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ"

Олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрлов бўлимига ўқишга таклиф қилади.

Тайёрлов бўлимида барча фанлар бўйича машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тест синовлари асосида олиб борадилар. Машғулотлар куннинг иккинчи ярмида соат 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.

Ўқиш муддати — 4 ой. Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 255-55-77
Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино, "Тайёрлов бўлими", 2-01 хона.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси Бекобод давлат ўрмон хўжалиги директори Эркин Аъзамовга волидаи муҳтарамаси **НАСИБАХОН ҲОЖИ ОНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси Ўрмонлардан қўшимча фойдаланиш бўлими бошлиғи Турғун Ибрагимовга укаси **Ортиқ ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ООО "ROISON PLASTIC TECHNOLOGY" (ИНН 300957683), зарегистрированное в Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, в соответствии с решением учредителя от 23.03.2009 г., расположенное по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.И.Усманова, 6 проезд, 71, ликвидируется. С момента государственной регистрации ООО "ROISON PLASTIC TECHNOLOGY" финансово-хозяйственную деятельность не осуществляло.

Утерянная круглая печать, выданный СП ООО "TOMOZEM-FACTORY" (ИНН 300748904) Сабир Рахимовского района г.Ташкента, считать недействительным.

Давлат патентларига эга **"AVTOTRAK"®** корхонаси

ЗИЛ-130, 555... ГАЗ-52,53, САЗ... КАВЗ

автомобилларига дизеллар ўрнатади

ва тегишли ҳужжатлар беради

Таъмирланган Д-243 (МТЗ), Д-28, А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авиа" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР; "ИКАРУС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ, "ЗИЛ" ВКЛАДИШЛАРИ СОТАДИ.

Вилоятлардан келган электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ. Турар-жой билан таъминлаш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА-, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати. **Телефонлар: 159-48-00.**

Хизматлар лицензияга эга

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАҒАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ғайтай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: С.ИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.00
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru